

Таъсис этувчи:

2018 й. 07 сентябрда

“ТАСДИҚЛАНГАН”



«TRANSSTAR»

масъулияти чекланган жамиятининг

УСТАВИ

Тошкент ш. - 2018 й.

1. Умумий қондалар

1.1. «TRANSSTAR» масъулияти чекланган жамияти, кейинги ўринларда «Жамият» деб юритилади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида иш олиб боради ва даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил қилинган.

1.2. «Жамият» ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида амалга оширади.

1.3. «Жамият» масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият юритади.

1.4. «Жамият»нинг мулки унинг таъсисчиси(лари)нинг ёки қатнашувчиларнинг мулкидан ташкил топади ва кейинги ўринларда «таъсисчи(лар)» деб юритилади.

1.5. «Жамият» таъсисчиси:

Россия Федерацияси фуқароси – **Корыгин Алексей Евгеньевич**, паспорт 75 3203947 20.05.2016 йилда ФМС 77534 томонидан берилган. Вактинча манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 3 уй, 24 хонадон.

1.6. «Жамият» юридик шахс бўлиб, ўзининг думалок муҳри, тўртбурчак муҳри, фирманинг хос қоғози, товар белгиси ва бошқа реквизитларига эга бўлади, банкларда ўз ҳисоб-рақамини очиш ҳуқуқига эга.

1.7. «Жамият» ўз таъсисчиси(лари)нинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Таъсисчи(лар) «Жамият» мажбуриятлари бўйича ўз улушлари қиймати миқдорига жавобгар бўлишади. «Жамият» ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг мулки доирасида жавоб беради.

1.8. «Жамият»нинг почта манзили: 100007, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 9 уй.

1.9. «Жамият» фаолиятининг муддати чекланмаган.

1.10. «Жамият»нинг фирма номи:

ўзбек тилида:

тўлик - «TRANSSTAR» Mas'uliyati cheklangan jamiyati;

қисқача - «TRANSSTAR» MChJ.

рус тилида:

полное - Общество с ограниченной ответственностью «TRANSSTAR»;

сокращенное - ООО «TRANSSTAR».

2. «Жамият»нинг фаолияти турлари

2.1. «Жамият»нинг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланади ва бунга эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

2.2. Асосий фаолият турлари:

- юқларни ташиш бўйича хизматлар;
- божхона-брокерлик хизматлар;
- омборхоналарни, шу жумладан божхона омборхоналарни очиш;
- воситачилик хизмати;
- метал конструкцияларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- умумий овқатланиш корхоналари: кафе, бар ва ресторан очиш;
- умумий камовдаги ҳудудда хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятларга мувофиқ почта хизматлари;
- курьерлик хизматлари, почта тарқатиш;
- улгуржи савдо;
- чакана савдо;
- еткази бериш хизматлари;
- умумқурилиш ишлари;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- лойиҳалаш;
- етказиб бериш, ишлаб чиқариш, жойлаш ва сотиш:
 - болалар ва пархез таомлари, салкин ва спиртли ичимликлари, нон ва нон ва кандолатчилик маҳсулотлари, чорва ва усимлик еглари, гушт сут маҳсулотлари ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари, техник ва ичимлик спирти, тоmat пастаси;
 - халқ истеъмоли моллари, тайер кийимлари, тикувчилик ва трикотаж буюмлари, пойабзаллари, офис ва маиший мебеллари;

- тиббий, ветеринария, стоматологик ва косметологик воситалари, шунингдек дори-дармон ҳамда шахсий гигиена воситалари, маиший кимевий товарлари, угит, кимевий хом ашелар, усимликларни кимевий химоялаш воситалари;
- сантехника, қурилиш материаллар ва ускуналар, ёғоч, коғоз ва полимер маҳсулотлари;
- халқ хунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотлари;
- матбаа ва бланк маҳсулотлари;
- тамаки маҳсулотлари;
- дастур воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар;
- маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш;
- халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати;
- ишлаб чиқариш-техник мақсаддаги ускуна ва машиналарни ижарага бериш;
- ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларининг олди-сотдисиди воситачилик хизмати;
- интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш-техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш;
- ноишлаб чиқариш-техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш;
- ишлаб чиқариш-техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага беришда воситачилик хизмати;
- ноишлаб чиқариш-техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага беришда воситачилик хизмати;
- қимматбаҳо қоғозларни, валюталарни олиш ва сотиш ҳамда ижарага беришда алоҳида ихтисослашмаган воситачилик хизмати;
- транспорт, уй-жой-коммунал хўжалик, маиший хизмат, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва фан соҳасида воситачилик хизмати;
- маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати
- реклама хизматлари;
- алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;
- маҳсус техникани таъмирлаш;
- балиқ овчилиги клубини ташкил қилиш;
- кучланишли электроникани, саноат ва маиший совуткичларни, музлаткичларни, қозонхона жиҳозларини, сув насосларини, профессионал ва маиший алоқа воситаларини, аудио ва видео аппаратларни, нусха кўпайтириш, компьютер ва оргтехника воситаларини, видеокузатув тизимларини, қўриқлаш ва ёнғинга қарши тизимларни, ўлчов асбобларини назорат қилиш воситаларини сотиб олиш, етказиб бериш, ишлаб чиқариш, йиғиш, монтаж қилиш, ишга тушириш, таъмирлаш, уларга қафолатли техник хизмат кўрсатиш;
- хизматлар кўрсатиш (автохизматлар, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишлар);
- дастурий таъминотни яратиш, тадбиқ этиш, таъминлаш ва сотиш;
- дастурий, аппарат ва дастурий-аппарат комплексларини жорий этиш, ишлашини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- локал ва тақсимланган компьютер тармоқларини, автоматлаштирилган ахборотларни қайта ишлаш тизимларини лойиҳалаш, етказиб бериш, ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, ҳисоблаш техникаси воситаларини дастурий-аппарат химоя воситалари билан қўшимча тарзда кучайтириш;
- ахборот ҳисоблаш хизматлари, радиоэлектроника, компьютер воситаларини, тизимларини, жиҳозларини яратиш, ишлаб чиқариш, уларни таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- дастурий маҳсулотлар ва комплексларни ишлаб чиқиш, уларни корхона ва ташкилотларда жорий этиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга сервер, компьютер, коммуникация, маҳсус карточкали, нусха кўпайтирувчи жиҳозларни ўрнатиш, соzлаш ҳамда дастурий-техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ишга яроқлилигини тиклаш бўйича турли хизматларни кўрсатиш;
- интернет-сайтлар, интернетда алоҳида саҳифалар яратиш ва ишлашини таъминлаб туриш бўйича ишларни бажариш, дизайнерлик хизматларини кўрсатиш ва мавжуд сайтларнинг редизайни;
- сметалар, лойиҳалар, бизнес-режалар тайёрлаш, консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- ёнғиндан сақлаш-қўриқлаш воситалари (сигнализация), видеокузатув тизимлари, домофонлар ҳамда кодли ва картали қулфларни, шу жумладан, контактли ва контактсизларини ўрнатиш ва уларнинг профилактикаси;
- интернет-сайтларни яратиш, ўзгартириш ва ишлашини таъминлаб туриш;
- бадий-безаш ишларини бажариш;
- электромонтаж, монтаж ва ишга тушириш ишларини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш линияларига

техник хизмат кўрсатиш;

- турли корхона ва ташкилотлар ўртасида ахборот алмашиш хавфсизлигини таъминловчи хавфсиз ахборот ҳудуди яратиш бўйича ишларни бажариш;
- жисмоний тарбия ва спорт (жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-машғулот марказ ва базалари, ўйингоҳлар, спорт саройлари, ихтисослаштирилган ва комплекс спорт заллари, манежлар, велотреklar, сунъий сув хавзалари ва яхмалаклар, отиш майдонлари, тирлар ва бошқалар компьютер жихозлари, дастурий, аппарат ва дастурий-аппарат комплекслари ҳамда компьютер тармоқларини ўрнатиш, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш);
- компьютер хизматларини (жумладан, сканердан ўтказиш, ҳужжатларни чоп этиш, дискка кўчириш ва бошқалар) кўрсатиш;
- электромонтаж ишлари;
- аудио-видео аппаратуралар, компьютер ва маиший техника воситаларини ёнгиндан сақлаш, кўриклаш воситаларини ўрнатиш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, сотиш ва ишлаб чиқариш;
- компьютер технологиялари, интернет-технологиялар, компьютер графикаси ва дизайн;
- илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва тадбиқ этиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш, лицензиялар, патентлар, “ноу-хау”, компьютер дастурлари ва ишланмаларини яратиш ва сотиш, тажриба-конструкторлик, лойиҳа-технологик, тадқиқот ва тадбиқ этиш ишларини бажариш;
- мураккаб маиший, ҳисоблаш ва саноат техникасини таъмирлаш, соzлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, тармоқ комплексларини администрациялаштириш, компьютер техникаларини модернизация қилиш;
- ёнгиндан сақлаш-кўриклаш сигнализацияси жихозларини ишлаб чиқариш;
- радиоэлектроника, телевизор жихозлари, профессионал-маиший аудио-видео аппаратуралар ва техникаларни, эҳтиёт қисмларни ва зарур маҳсулотларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш, йиғиш, сотув олдидан тайёрлаш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- яратилган комплексларни корхона ва ташкилотларнинг мавжуд автоматлаштирилган тизимларига интеграциялаш;
- янги технологик, илмий ва бошқа ишланмаларни, технологияларни, “ноу-хау”ларни яратиш, сотиб олиш, етказиб бериш ва сотиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- концерт, тантанали ва тамошабоп тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- дорихоналар, “Оптика” дўконлари, фитобарлар ва даволаш-соғломлаштириш комплекслари тармоғини ташкил этиш;
- соғломлаштириш сайёҳлиги, спорт-соғломлаштириш комплексларини ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа тиббий хизматларни кўрсатиш;
- бутун дунё бўйлаб катта амалий тажрибага эга бўлган хорижлик мутахассислар иштирокида экстракорпорал урчитиш ишларини амалга ошириш;
- хайрия ёрдами кўрсатиш;
- қурилиш, қурилиш-монтаж, қурилиш-ободонлаштириш, махсус қурилиш ишлари;
- божхона-брокерлик хизматлар;
- қишлоқ хўжалик, паррандачилик ва бошқа маҳсулотларни етиштириш;
- омборхоналарни, шу жумладан божхона омборхоналарни очиш;
- гуллар ўстириш;
- яшаш жойларни ипотека кредит бўйича шахсий маблағлар ва буюртмачилар ҳисобидан қуриш, таъмирлаш ва сотиш ишларини бажариш;
- мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ ҳар хил парчаларни, шу жумладан рангли металллар йиғишни ташкил этиш ҳамда улардан турли маҳсулотларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш;
- тиббий препаратларни ва тиббий асбобларни, ҳамда бошқа зарур бўлган маҳсулотларни ва буюмларни ишлаб чиқариш, ҳамда улгуржи ва чакана савдони ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар;
- парикмахер, педикюр, укалаш (массаж), сауна ва бошқа маиший хизматларни кўрсатиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш;
- металл ва электр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- тиббиёт ва маиший пахталарини ишлаб чиқариш ва уларни мамлакат аҳолиси ва корхоналар буюртмаси асосида тозалаш бўйича фабрикаларни ташкил этиш ва хизматларни кўрсатиш;
- фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил қилиш;
- ҳар хил ўғитларни, фойдали хашаротларни (биолаборатория) ва бошқа зарур бўлган маҳсулотларни

умумий ишлаб чиқариш ва шу йўналишда фермер хўжаликларига, мамлакат аҳолисига хизматларни кўрсатиш;

- интернет-клубларни, ҳар хил оргтехникалар ва бошқа турдаги алоқа воситалари хизматларини ташкил этиш;
- ўт ўчириш машиналарини ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- электродвигателлар ва бошқа электр жиҳозларни ўраш ва ишлаб чиқариш, ҳамда уларни сотиш;
- ҳар хил материаллардан тикувчилик ва бошқа буюмларни (қўйлак, костюмлар, ғилоф ва гиламчалар ва бошқа) ишлаб чиқариш ва уларни сотиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва экспорт қилиш;
- халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- реклама фаолияти;
- экспорт-импорт операциялари ва инвестиция фаолияти;
- чарм галантерея, ателье ва пойафзал таъмирлаш хизматларини ташкил қилиш;
- савдо воситачилик фаолияти билан шугулланиш;
- халқаро ва ички транспорт юклари ва пассажирлар ташишни ташкил қилиш;
- иккиламчи ресурсларни йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- хужжатларни кўпайтириш, нусха кўчириш ва турли тилларга ўгириш;
- дорихоналар очиш;
- автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш;
- автомобил эҳтиёт қисмларни сотиб олиш ва сотиш;
- автомобил ювиш, тозалаш шахобчаларни очиш;
- мебеллар ва дурадгорлик асбобларини сотиш, сотиб олиш ва шу йўналишда хизмат кўрсатиш;
- ёғочдан ва полимерлардан ясаладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва сотиб олиш;
- гўшт, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш;
- бино, аҳоли яшайдиган жойлар, савдо шахобчаларида маиший, сантехник аварияларни бартараф этиш ишларини олиб бориш ва уларни қайта таъмирлаш;
- тиббиёт техникасини ишлаб чиқариш;
- корхона, ташкилот ва жисмоний шахсларга дилерлик, вакиллик, дистрибуторлик хизматини кўрсатиш;
- саёхатлар, турли сайёҳлик маршрутлари ташкил қилиш;
- инжиниринг, шу жумладан лойиха-конструкторлик ишлари, янги технологияларни оммалаштириш, лицензиялар, муаллифлик ҳуқуқлари ва "ноу-хау"ларни тарқатиш;
- лойиха - смета хужжатларни тузиш;
- хорижий давлатлар билан маданият, санъат ва кино соҳаларида алоқалар ўрнатиш;
- клиринг фаолияти;
- дастурли таъминоти ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш, таъминлаш ва сотиш;
- интерьерлар, автомобиллар, бинолар, хоналар, совға буюмлари, кийимлар, мебеллар ва ҳоказолар дизайни;
- автомобилларни ижарага бериш;
- ёзги оромгоҳлар ва дам олишнинг бошқа турларини ташкил этиш;
- маркетинг, транспорт, ахборот, таржима ва маслаҳат-консультатив хизматларини кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолият;

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 2000 йил 25 майдаги Қонунининг 19 моддасига асосан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг (ҳуқуқий шахсларнинг) таъсисчиси(лари), таъсис хужжатларида фаолиятнинг асосий турларинигина кўрсатиш ҳуқуқига эгалар. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, қонунчилик томонидан тасдиқланган тартиб асосида қонун томонидан рухсат этилган ва таъсис хужжатларида кўрсатилмаган барча фаолият турлари билан шугулланишлари мумкин.

2.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида баъзи бир фаолият турларини махсус рухсатнома (лицензия) орқали амалга ошириш талаб этилган тақдирда, «Жамият» махсус рухсатнома олгандан кейингина ушбу фаолият тури билан шугулланиши мумкин.

3. «Жамият»нинг устав фонди

3.1. «Жамият»нинг устав фонди 7 500 000,00 (Етти миллион беш юз минг сўм 00 тийин) миқдорда

ташқил қилинган бўлиб, таъсисчи(лар) улушига қараб қуйидаги миқдорларда тақсимланган:

- **Корьгин Алексей Евгеньевич** - устав фондининг 100% ини 7 500 000,00 (Етти миллион беш юз минг сўм 00 тийин)ни ташқил қилиб, у мол-мулк жиҳозлари ёки пул маблағлари кўринишида киритилади.

3.2. «Жамият» устав фондига (устав капиталига) қўшилаётган хиссалар пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк хуқуқлар, ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга хуқуқлар бўлиши мумкин.

«Жамият»нинг иштирокчилари ва «Жамият»га қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан, «Жамият»нинг устав фондига (устав капиталига) қўшилаётган пулсиз хиссаларнинг пул баҳоси, «Жамият» иштирокчилари умумий йиғилишининг «Жамият»нинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

3.3. Таъсисчи(лар)нинг қўшимча келишувидан кейин устав фондига ўзгартириш киритиш мумкин.

4. «Жамият» таъсисчисининг «Жамият» устав фондидаги улуши (улушнинг бир қисми)нинг учинчи шахсга ўтиши

4.1. Таъсисчи бошқа таъсисчи(лар)нинг розилиги билан ўз улушларини (улушнинг бир қисмини) бир ёки бир нечта учинчи шахсларга бериши мумкин. Бу ҳолда «Жамият» таъсисчиси(лари) мазкур улушни биринчи бўлиб сотиб олиш хуқуқига эга.

4.2. Ўз улушини (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсга сотмокчи бўлган «Жамият» таъсисчиси, «Жамият»нинг бошқа таъсисчиси(лари)ни ёзма равишда сотиш нархи ва бошқа шартлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

4.3. Улушларни бошқа шахсга ўтказиш, фақат таъсисчи ўз бадалини тўлиқ киритгандан кейин амалга оширилади. «Жамият» таркибидан чиқаётган таъсисчи ўз улушлари билан хуқуқ ва мажбуриятларини ҳам учинчи шахсга топширади.

4.4. Улушлар «Жамият»нинг ўзи томонидан ҳам сотиб олинishi мумкин. Бу ҳолда «Жамият» уни бекор қилиши ёки бир йил муддат давомида учинчи шахсларга сотиши лозим.

5. «Жамият»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Юридик (жисмоний) шахслар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалалар «Жамият» уставида кўрсатилган тартибда ҳал қилинади.

5.2. «Жамият» мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай корхоналар ва ташкилотларни тузади ёки тузишда иштирок этади.

5.3. «Жамият» устав фаолиятини амалга ошириш учун мутахассисларни меҳнат шартномаси, битим ва контрактлар асосида жалб қилади.

5.4. «Жамият» хуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига асосан тартибга солинади.

6. «Жамият» таъсисчиси(лари)нинг хуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Таъсисчи(лар) қуйидаги хуқуқларга эга:

- «Жамият» умумий мажлисида иштирок этиш;
- ўз улушини ёки унинг бир қисмини бир ёки бир нечта учинчи шахсга сотиш ёки ўтказиш, ҳамда қонунчиликда ва мазкур уставда назарда тутилган ҳолларда улушини бир қисмини бошқа таъсисчи(лар) фойдасига ўтказиш;
- «Жамият» фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича овоз бериш;
- «Жамият» таъсисчиси(лари) реестрига киритилиш;
- «Жамият» таъсисчиси(лари) реестридан ўзига тегишли қисми бўйича кўчирма (нусха) олиш;
- «Жамият» даромадидан дивиденд сифатида даромад олиш;
- олинган дивидендларни эркин бошқариш;
- «Жамият» тугатилган тақдирда ўз улушига мувофиқ, мулкнинг маълум қисмига ёки унинг қийматига эга бўлиш;
- «Жамият»ни бошқаришда иштирок этиш;
- «Жамият» молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумот олиш, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;
- ўз хуқуқларини давлат органларида, ҳамда судда ҳимоя қилиш;

- «Жамият» ва инвестицион институтларнинг малакасизлик ва совуқконлиги оқибатида етказилган зарарни ундириш;

- ўз манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида жамоат ташкилотларига бирлашиш;

6.2. «Жамият»нинг бир хил ҳажмдаги улуши, унинг эгасига, таъсисчига шунга тенг ҳуқуқ беради.

6.3. «Жамият» таъсисчиси, «Жамият» таъсис фондидаги ўзига тегишли бўлган улушини (улушнинг бир қисмини), «Жамият» ҳамма таъсисчиси(лари)нинг розилиги билан учинчи шахсга гаровга қўйиши мумкин.

7. «Жамият»нинг мулки

7.1. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Эгалик ҳуқуқида Жамиятга унинг иштирокчилари томонидан ҳисса сифатида берилган мулк, шунингдек бошқа асослар бўйича сотиб олинган мулк тегишли бўлади.

7.2. Жамият мулкдор ҳуқуқларини амалга оширган ҳолда ўз қарамоғидаги мулкка нисбатан амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни ўз ихтиёрига кўра амалга оширишга ҳақли, шу жумладан:

- мулкни ўз қарамоғидан бошқа шахслар эгалигига чиқаришга;

- мулкдор сифатида қолган ҳолда мулкка эгалик қилиш, ишлатиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини беришга;

- мулкни гаровга бериш ва уни бошқа усулда ишлатишга;

- уни билан бошқа йўллар билан тасарруф этишга ҳақли.

8. «Жамият» бошқарувининг структураси, бошқарув органларини сайлаш тартиби ва ваколатлари

8.1. «Жамият» таъсисчиси ёки таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори «Жамият»нинг Олий органи ҳисобланади.

8.2. Умумий йиғилишни бошқариш учун раис ва котиб сайланади, умумий йиғилишнинг барча иштирокчилари умумий йиғилиш қарорини имзолашади.

8.3. «Жамият»ни бошқариш ижроия орган томонидан ва «Жамият» таъсисчиси ёки умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

8.4. «Жамият» йилига бир марта умумий йиллик ҳисобот йиғилишини ўтказиши шарт.

Умумий йиллик ҳисобот йиғилиши, молия йили якунлангандан кейин олти ой ичида ўтказилади. Умумий йиллик ҳисобот йиғилишида йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, даромадни тақсимлаш ва «Жамият»нинг ҳаражатлари кўриб чиқилади.

Умумий йиллик ҳисобот йиғилишидан бошқа барча йиғилишлар навбатдан ташқари деб ҳисобланади.

8.5. Таъсисчи ёки иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорлари мутлақ ваколатига қуйидагилар қиради:

- «Жамият»нинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки «Жамият» уставини янги таҳририни тасдиқлаш;

- «Жамият» устав фонди миқдорини ўзгартириш;

- «Жамият» фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, ҳамда бошқа тижорат ташкилотларини бирлашмаларида қатнашиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- «Жамият»нинг филиалларини, ваколатхоналарини ва бошқа юридик шахсларни ташкил этиш;

- «Жамият»нинг органлари иш фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

- «Жамият»ни қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- «Жамият» тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

- «Жамият»нинг ижро органини ташкил қилиш ва улар ваколатини муддатидан олдин тугатиш;

- «Жамият»нинг йиллик ҳисоботи ва бухгалтерия йиллик балансини тасдиқлаш;

- «Жамият» соф даромадини таъсисчилар ўртасида ўзаро тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- «Жамият»да аудиторлик текширишларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш ва унинг хизматлари учун максимал тўлов чегарасини белгилаш;

«Жамият»нинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки «Жамият» уставини янги таҳририни тасдиқлаш, устав фонди миқдорини ўзгартириш, «Жамият»ни қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш масалалари бўйича қарорлар ҳамма таъсисчи(лар) розилиги билан қабул қилинади, бошқа масалалар бўйича оддий овозларнинг кўплиги билан қабул қилинади.

8.6. «Жамият» умумий йиғилиши ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш ижро органлари зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

8.7. Таъсисчи(лар)нинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши, «Жамият» аудитори, ҳамда 10 (ўн) фоиздан кўп бўлган овозга эга бўлган улуш эгаларининг талаби билан ўтказилиши мумкин.

9. Ижро органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9.1. «Жамият» жорий фаолиятини раҳбарлигини амалга ошириш якка ижро органи – Бош Директорга юклатилган.

Бош Директор зиммасига жорий фаолиятининг фақат умумий йиғилиш ваколатидаги масалардан ташқари ҳамма масалалар бўйича раҳбарлик қилиш юклатилган.

Бош Директор, таъсисчи (умумий йиғилиш) қарорларини бажаришни ташкил қилади. Бош Директор «Жамият» номидан ишончномасиз фаолият олиб боради, бошқа ташкилотларда «Жамият»нинг манфаатларини ҳимоя қилади, «Жамият» номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, ҳамма ходимлар бажариши шарт бўлган буйруқ ва кўрсатмалар беради.

Иштирокчининг руҳсатсиз Бош Директорга кўчар ва кўчмас мулкни бегоналаштириш ва/ёки сотиб олиш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш таъқиқланади.

9.2. Бош Директорни тайинлаш ва унинг ваколатини муддатидан олдин бекор қилиш, яккабош таъсисчи ёки таъсисчи(лар) умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади. Бош Директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонунчилик ҳужжатлари ва «Жамият» билан шартномаси асосида белгиланади. «Жамият» номидан ушбу шартномани таъсисчи(лар)нинг умумий йиғилиши раиси имзолайди.

9.3. «Жамият» ва Бош Директор билан мунособатлар қонунчилик асосида тартибга солинади.

9.4. Бош Директор, «Жамият» манфаатини кўзлаган ҳолда ўз ҳуқуқ ва вазифаларини амалга ошириши шарт. Бош Директор, амалдаги қонунчилик ва «Жамият» уставига мувофиқ унинг фаолиятига раҳбарлик қилиши шарт.

10. «Жамият» йиллик ҳисоботларини тузиш, текшириш ва тасдиқлаш

10.1. «Жамият» бухгалтерлик ҳисобини олиб боради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда статистик ҳисоботларни тақдим этади.

10.2. Қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, унинг ҳолати ва ҳаққонийлиги, йиллик ҳисоботини ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ва кредиторларга ўз вақтида тақдим қилиш «Жамият»нинг ижро органи зиммасига юклатилади.

10.3. Йиллик ҳисобот, таъсисчининг қарори ёки таъсисчиларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланади.

11. Даромадни тақсимлаш тартиби. Даромадни тақсимлашдаги чекловлар. Заҳира жамғармаси

11.1. Жамият бир йилда бир марта, бир ярим йилда бир марта ёки бир чоракда бир марта ўзининг соф даромадини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Соф даромаднинг Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган қисмини белгилаш тўғрисидаги қарор Жамият иштирокчиларининг умумий мажлиси томонидан қабул қилинади. Соф даромаднинг Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлашга мўлжалланган қисми Иштирокчиларнинг Низом жамғармасидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

11.2. Жамиятнинг даромадини иштирокчилар ўртасида тақсимлаш ва тўлаш бўйича чекловлар Қонунга мувофиқ тартибга солинади.

11.3. Жамият ўзининг устав жамғармасининг ўн беш фоиз миқдорига тенг келувчи заҳира жамғармасини тузади. Жамиятнинг заҳира жамғармаси, белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф даромаддан камида беш фоизлик ажратмалар ажратиб бориш йўли билан шакллантирилади. Жамиятнинг заҳира жамғармаси унинг зарарларини қоплаш ва Қонунда ва мазкур Низомда кўзда тутилган ҳолларда Низом жамғармасидаги улушни (улушнинг бир қисмини) жамият томонидан сотиб олиниши учун мўлжалланган.

12. «Жамият» устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

12.1. «Жамият» устав фондини ўпайтириш, унинг мол-мулк ҳисобидан ва (ёки) таъсисчи(лар) томонидан кўшимча бадаллар киритиш ва (ёки) «Жамият» кирадиган учинчи шахслар томонидан бадаллар киритиш йўли билан амалга оширилади.

12.2. «Жамият» устав фондини камайтириш, таъсисчилар улушларининг номинал нарҳини камайтириш ва (ёки) улушларни ҳисобдан чиқариш йўли билан амалга оширилади.

12.3. «Жамият» ўз устав фондини қонун томонидан ўрнатилган минимал миқдордаги устав фонди

миқдоридан камайтириши мумкин эмас.

12.4. Таъсисчи(лар)нинг умумий йиғилиши, устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилишда, унинг сабаби ва камайтириш тартибини ҳам кўрсатиб ўтади.

12.5. Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан 30 кундан кечиктирмасдан, «Жамият» ўз кредиторларига ёзма равишда ва матбуот орқали хабар беради. Кредиторлар ўз навбатида ёзма хабар юборилган санадан бошлаб 30 кун ичида, «Жамият»дан мажбуриятларини муддатдан олдин бажарилишни ёки кўриладиган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.6. «Жамият» устав фондини кўпайтириш ва уставга тегишли ўзгаришлар киритиш, таъсисчи(лар)нинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

13. «Жамият»нинг филиаллари ва ваколатхоналари

13.1. «Жамият» ўз филиалларини ташкил қилиши ва ваколатхоналарини очиши мумкин. Улар «Жамият» томонидан молиялаштирилади ва «Жамият» тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

13.2. Филиал ёки ваколатхона раҳбари «Жамият» томонидан тайинланади ва у «Жамият» берган ишончнома асосида иш олиб боради. Филиал ва ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик «Жамият» зиммасида бўлади.

13.3. «Жамият» филиаллари ва ваколатхоналари билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар «Жамият» уставига киритилганда, улар юридик шахсларни рўйхатга олувчи давлат органига ўрнатилган тартибда тақдим этилади.

14. «Жамият»да ҳужжатларини сақлаш ва тақдим этиш

14.1. «Жамият» таъсисчи(лар), аудитор ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг талабига мувофиқ «Жамият» таъсис ҳужжатлари ва ундаги ўзгартиришлар билан танишишга имкон яратиб бериши лозим.

14.2. «Жамият» таъсисчиси(лар)нинг талабларига мувофиқ, таъсис шартномаси ва «Жамият» уставининг нусхасини тақдим этиши шарт. Тақдим этилган нусхалар учун ундириладиган тўлов, уларнинг тайёрланишига сарфланган харажатдан ошмаслиги лозим.

14.3. «Жамият» куйида назарда тутилган ҳужжатларни, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, 5 йил давомида сақлаши шарт:

- «Жамият»нинг таъсис ҳужжатлари, уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек уларни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

- «Жамият» таъсисчиси(лари)нинг мажлис баённомалари, ташкил қилинганлиги тўғрисидаги қарор, маблағ ва номаблағ устав фонди (устав капитали) тасдиқлангани тўғрисидаги ҳужжат, шунингдек, «Жамият»нинг тузилиши билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар;

- «Жамият»нинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- «Жамият»нинг балансида бўлган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

- «Жамият»нинг филиал ва ваколатхоналари тўғрисидаги устав;

- «Жамият» таъсисчиси(лари)нинг умумий йиғилиши ва ижро органи йиғилиши баённомалари;

- «Жамият» аудиторининг ҳулосаси;

- қонунда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

«Жамият», юқорида кўрсатилган ҳужжатларни ижро органи жойлашган ёки «Жамият» таъсисчиси(лари)га маълум бўлган бошқа жойларда сақлайди.

15. «Жамият»ни қайта тузиш, бирлашиш, қўшилиш, ажралиш ва тугатилиш тартиби

15.1. «Жамият»нинг тугатилиши ёки қайтадан ташкил этилиши таъсисчи(лар)нинг қарорига мувофиқ ёки ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

15.2. Тугатилиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан 30 кундан кечиктирмасдан ёзма равишда кредиторларга хабар етказилади.

Кредиторлар, «Жамият»дан етказган зарарни қоплаш бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эгалар:

- тегишли қарор қабул қилингандан сўнг 30 кундан кечиктирмасдан кредиторга тугатилиш ва қайта тузиш, бошқа ташкилот билан қўшилиш, бирлашиш тўғрисида хабар етказилади;

- 60 кундан кечиктирмасдан кредиторга ажралиш ёки бўлиниш тўғрисида хабар етказилади.

Агар қайта тузилган «Жамият»нинг бўлинган балансида ҳуқуқий ворисни аниқлаш имкони бўлмаса, қайта тузилган «Жамият» мажбуриятлари бўйича кредиторлар олдида янги юридик шахслар жавобгарликни мутаносиб равишда олиб боришлари шарт.

15.3. «Жамият», таъсисчи(лар)нинг умумий йиғилишининг қарори билан тугатилиши мумкин ва

тегишли орган билан келишилган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

15.4. Тугатилиш суд қарори билан амалга оширилса, тугатиш комиссияси қонунчилик ўрнатган тартиб бўйича тузилади. Тугатилиш комиссияси тайинланиши билан «Жамият»ни бошқариш бўйича барча ишлар унинг ваколатига ўтказилади. Тугатиш комиссияси «Жамият» номидан судда ҳам иштирок этиши мумкин.

15.5. Тугатиш комиссияси матбуотда «Жамият»ни тугатилиши тўғрисида эълонни, кредиторлар талабини қондириш тартиби ва муддатини чоп этади. Кредиторлар талабини қондириш муддати тугатилиш тўғрисидаги эълон чиққан кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

«Жамият» тугатилиши эълон қилинган пайтда, унинг кредиторлар олдида мажбурияти бўлмаса, мол-мулки таъсисчи(лар) ўртасида тақсимланади.

15.6. Тугатиш комиссияси ёзма равишда кредиторларга тугатиш тўғрисида хабар етказди, кредиторларни аниқлаш ва дебитор қарзларини ундириш учун чора кўради. Кредиторлар талабини қондириш муддати ўтиши билан, тугатилиш комиссияси мавсумаро тугатилиш баланси тузади, унда «Жамият» мулкнинг таркиби, кредиторлар талаблари ва уларни кўриб чиқиш натижаси тўғрисида маълумотлар кўрсатилади. Мавсумаро тугатилиш баланси давлат рўйхатига олувчи орган билан келишилган ҳолда таъсисчи(лар)нинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

15.7. Агар «Жамият»нинг пул маблағлари кредиторлар талабини қондириш учун камлик қилса, тугатиш комиссияси унинг мулкни сотишни амалга оширади.

Тугатиш комиссияси кредиторларга пулларни тўлашни мавсумаро тугатилиш баланси бўйича, қонунчиликда ўрнатган тартиб асосида навбатма навбат амалга оширади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб тугатилгандан кейин, тугатиш комиссияси ҳуқуқий шахсларни давлат рўйхатига олувчи орган билан биргаликда тугатиш балансини тузади, баланс таъсисчи(лар)нинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

Таъсисчи:

Корытин Алексей Евгеньевич

Корытин Алексей Евгеньевич



Жаъми
10 варақ
саҳифааниб,
туморланиб
муҳр босилди